

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1442-ҳадис

* Қўрқатқанин билганида, албатта, унинг олдида ўтишдан кўра қирқ...гача тўхтаб турмоғи ўзи учун яхши бўлар эди», дедилар.

Қирқ кун, дедими ёки ой, ёхуд йил, дедими билмай қолдим», деди».

(Қирқ кун)

1. «Агар намоз ўқувчининг олдида ўтувчи ўзига қанчалик гуноҳ бўлишини билганида, албатта, унинг олдида ўтишдан кўра қирқ...гача тўхтаб турмоғи ўзи учун яхши бўлар эди», дедилар.

Ровий: «Қирқ кун, дедими ёки ой, ёхуд йил, дедими билмай қолдим», деди».

Шарҳ: Ривоятда исми келган Абу Назр ушбу ҳадисни ривоят қилувчилардан биридир. У киши ўзларига ушбу ҳадисни айтиб берган Буср ибн Саъид раҳматуллоҳи алайҳ қирқ кун, дедиларми, қирқ ой, қирқ йил, дедиларми билмай қолган эканлар. Ана ўша омонатга хиёнат қилмай, қандай бўлса, шундай ҳолида ривоят қилар эканлар.

Бу ҳадиси шарифда намоз ўқувчининг олдида ўтиш қанчалар қаттиқ гуноҳ эканлиги ҳақида сўз бормоқда. Агар, ўша намоз ўқувчининг олдини кесиб ўтувчи, ўзига бу ишидан қанчалар гуноҳ бўлишини билса, қирқ йилгача кимирламай кутишга ҳам рози бўлар экан.

Демак, эътиборсиз бўлмай, намоз ўқиётган одамнинг олдини ҳеч қачон кесиб ўтмасликка ҳаракат қилишимиз зарур.

Манба: hadis.islom.uz



